

УЎК (УДК, UDC): 82.091
DOI: 10.36078/1565768368

ЭПИК МОТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Азиза Комиловна АХМЕДОВА

Катта илмий ходим

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

aziza.ahmed@inbox.ru



Аннотация

Мақола мотив терминининг назарий-концептуал масалалари таҳлилига бағишиланган. Аввало, мотивнинг адабиётшуносликда қандай маъноларда қўлланилиши ва шу билан боғлиқ муаммолар мухокама этилади. Мотивга оид назарий қарашлар бўйича олиб борилган илмий ишлар қисқача шарҳланади. Асосий эътибор эпик мотивларга, уларнинг такрорланадиган маъноси, мавзувий талқинига қаратилган. Шунингдек, бадиий асарларда ўзак мотив – инвариантнинг интертекстуал хусусияти ва унинг қиёсий адабиётшуносликдаги аҳамияти мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Муаллиф мавзуу ва мотив каби иккита бир-бирига яқин тушунчаларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш мақсадида диаграмма ва жадвалларни келтиради. Мотивнинг турлари ва таснифини таҳлил қиласиди.

Калит сўзлар: мотив; инвариант; эпик мотив; тема; луғат; роман.

СПЕЦИФИКА ЭПИЧЕСКОГО МОТИВА

Азиза Комиловна АХМЕДОВА

Старший научный сотрудник

Узбекский государственный университет

мируемых языков

Ташкент, Узбекистан

aziza.ahmed@inbox.ru

Аннотация

Статья посвящена теоретико-концептуальным вопросам термина *мотив*. Обсуждаются различные значения этого термина и их использование в литературе. Основной вопрос статьи посвящен эпическому мотиву, его значению как повторению и тематической интерпретации. Интертекстуальность мотива и его значение в сравнительной литературе анализируются на некоторых примерах. Автор показывает в диаграмме и таблицах иллюстрирующие различия двух близких понятий — темы и мотива — и рассматривает виды и классификацию мотивов.

Ключевые слова: мотив; инвариант; эпический мотив; тема; словарь; роман.

CHARACTERISTICS OF EPIC MOTIF

Aziza Komilovna AKHMEDOVA

candidate PhD

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan

aziza.ahmed@inbox.ru**Abstract**

The article is dedicated to the theoretical-conceptual matters of the term motif. The various meanings of motif and their appliance in literature, also problems concerned are discussed. The observation of the research works on literary motifs are also given. The main issue of the article is dedicated to the epic motif, it's meaning as a repetition and the thematic interpretation of it. Moreover, the intertextuality of motif and its value in comparative literature are analyzed with some examples. The author presents a diagram and tables to illustrate the differences of the two close notions as theme and motif. The author analyzes the types and the classification of motif.

Keywords: motif; type-frame; epic motif; theme dictionary; novel.

Мотив турли соҳаларда, мусиқа, психология, педагогика ва бошқа соҳаларда фаол қўлланиладиган термин ҳисобланади. Мақолада мотивнинг адабиётшунослик категорияси сифатидаги хусусиятларига тўхталамиз. Ўн-тўққизинчи аср охири йигирманчи аср бошларида мотив сюжет компоненти сифатида илмий тадқиқ этила бошланди. Келиб чиқиши лотинча “moveo” “ҳаракатланмоқ” феъли билан боғланади. Психологияда мотив бирор фаолиятга, ҳаракатга даъват этувчи куч, туртки сифатида намоён бўлади ва инглиз тилида “motive” шаклида учрайди. Масалан, жиноят мотивларининг аниқланиши жиной ишнинг очилишига ёрдам беради. Мусиқа илмида эса мотив мелодиянинг энг кичик ритмик бирлигидир. Адабиётшуносликда сюжетнинг энг кичик бирлиги бўлган мотив такрорланувчанлик хусусиятига эга. Мотив такрор маъносида инглиз тилида “motif” шаклида учрайди; санъат, мусиқа ва адабиётшуносликдаги мотив термини муштарақликка эга. Қўйидаги жадвал мотивнинг икки маъносини яққол кўрсатади:

| Инглиз тилида | Кембриж инглиз тили луғати (1,809). | Ўзбек тилида таржимаси |
|---------------|--|--|
| Motive | Power or force causing movement or action | Бирор ҳаракатга даъват этувчи куч, туртки |
| Motif | An idea that is used many times in a piece of writing or music | Матнда ёки мусиқада бир неча марта учровчи ғоя |

Мотив бадиий асарларда анъанавий такрорланувчи композицион унсур сифатида ҳам, персонаж руҳиятини асослашда ҳам қўлланилади. Адабиётшунослиқда мотив сюжет таҳлилида ҳар иккала маънода кўлланилиши баъзи бир тушунмовчиликларга, ғализликларга сабаб бўлади. Жумладан, Ф. М. Достоевский ижодида жиноят мотивлари таҳлил қилинганда, ёзувчининг бир неча асарларида такрорланувчи жиноий эпизодлар назарга тутилияптими ёки персонажни жиноятга даъват қилувчи омиллар эътиборга олинаётгани аниқ кўрсатилишига эҳтиёж туғилади. Қолаверса, мотивлар конкретлаштирилиб (ошиқ мотивлар, туш мотивлари, атеистик мотивлар) ўрганилган илмий ишлар талайгина бўлишига қарамасдан, уларда мотив назарияси батафсил берилмаган. Муайян муаллифнинг ижодида унинг фалсафий дунёқарашининг акс этишини таҳлил қилувчи тадқиқотларда (экзистенциал мотивлар, абсурд мотивлар, насроний мотивлар) мотив “туртки”, “асос” маъносига қўлланилади. Йигирманчи асрга келиб, мотивнинг маъновий спектрлари кенгайганини ҳисобга олсак, илмий ишларда мотивлар таҳлилида, уларнинг қайси маъно ва ёндашувлар асосида амалга ошаётганини аниқ кўрсатишга эҳтиёж сезилади.

“Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да “Мотив сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири”, дея изоҳланади (2, 190–191). Мутахассисларнинг мотив ва унинг вазифасига нисбатан берган таърифлари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Мотивнинг назарий-концептуал жиҳатлари бўйича илк манба А. Н. Веселовский асарлари ҳисобланади. Олимнинг фикрича, “Мотивлар бирлашиб, сюжет ҳалқасини юзага келтиради” (3, 301). Веселовский мотивга тарихий поэтика нуқтаи назаридан ёндашиб, қўйидаги хулосаларга келади:

1. Мотив семантик бутунликка эга, яъни маъновий жиҳатдан бўлинмайди. ”Мотив деганда, мен инсоният ибтидоий жамият бўлган вақтларда, табиатнинг сирли саволларига образли жавоб тарзида пайдо бўлган формулани тушунаман (3, 305). Веселовскийнинг ушбу қарашлари мотивга “прагматик ёндашувларнинг” пайдо бўлишига сабаб бўлди (В. И. Тюпа, Ю. В. Шатина, И. В. Силяньев шу йўналишда илмий тадқиқот олиб боришган).

2. Веселовскийнинг асарларида мотив нафақат матн ичидаги, балки матнлараро (интертекстуал) ходиса сифатида таҳлил этилади. Сюжетнинг энг кичик бирлиги бўлган мотив, ярим-тайёр унсур сифатида ижодий тафаккурда учрайди ва турли ёзувчиларнинг асарларида хилма-хил комбинацияларда

пайдо бўлади. Б. М. Гаспаров илмий қарашлари мотивнинг “интертекстуал ёндашувларига” асосланади.

3. Веселовский мотивларни тема, сюжет, жанр билан алоқадорликда кўриб чиқади.

Веселовский бошлаб берган тарихий поэтиканинг анаънавий талқинига кўра, мотив, аввало, такрор. Шуни айтиш жоизки, такрор дейилганда асосан воқебанд асарларда схематик тарзда учровчи семантик-функционал такрор кўзда тутилади. Лирик асарларда мотив воқеабанд асарлардан фарқ қиласди. Жумладан, Стеблеванинг “Бобур ғазалларининг семантикаси” (Семантика газелей Бабура) асарида ғазалларнинг семиотик таҳлили амалга оширилиб, ҳар бир мисра тагматидаги лирик қаҳрамоннинг муайян харакатга даъват этган мотивлар кўрсатилган (4, 60–79). Шуни унутмаслик лозимки, лирик ва эпик асарлар орасида тафовут кузатилади. Лирик ва эпик мотивларнинг фарқи ҳақида И. В. Силантьев монографиясида қисман тўхталади. Хусусан воқеълик нуқтаи назаридан ёндошиб, эпик асарда воқеа бирор томонидан сўйланиши, лирик асарда эса китобхон бевосита иштирок этишини таъкидлайди. Натижада лирик асар воқеълиги субъективлашади (5, 86–87). Бу эса ўз навбатида лирик мотивларнинг хусусиятига таъсир кўрсатади. Бирор ушбу мақолада асосан эпик мотивларнинг назарий муаммоларига тўхталамиз.

Мотив адабиётшуносликда А. Н. Веселовский ва О. Ф. Фрейденберг томонидан тарихий поэтика, В. Пропп, В. Шкловский, Б. Томашевский каби олимлар томонидан назарий поэтика нуқтаи назаридан ўрганилган. Мотивнинг персонажлар, асар мавзуси, хронотоп билан алоқаси, шунингдек семантик муаммолари илмий тадқиқ этилган.

Шарқ поэтикасида мотив назарияси канон тушунчаси билан боғлиқ. Ўрта аср араб поэтикасида канон концепциясини тадқиқ этган А. Б. Куделин ёзади: “...Мотив тушунчасини ўрта аср араб тилшунослари маъно(кўплик маъни) сўзи билан боғлашган. Маъно одатда тематик материалнинг бўлинмас бирлиги ҳисобланган” (6, 128). Адабиётшуносликда мотив термини турли шаклларда қўлланилади. Воқеабанд асарларда мотив қўйидаги шаклларда учрайди (7, 180–181):

- сюжет схемаси (масалан, ўгай онанинг етим қизга зулм қилиши);
- бирон-бир нарса (кўзгу, тумор);
- ҳолат (уш кўриш, арвоҳ билан сухбат);
- образ (оно вазир, дўст, рақиб).

Йигирманчи асрда ғарб адабиёти учун ҳам шарқ адабиёти учун ҳам универсал аҳамият касб этадиган мотивнинг характерли белгилари эътироф этилди. И. Силантьев монографиясида турғунлик, такрорланувчанлик ва семантик бутунлик каби белгиларни санаб ўтади (5, 20–25). Турли манбаларга таяниб, эпик мотивга хос хусусиятларни қўйидача жамлаш мумкин:

- 1) муайян турғунликка эгалик;
- 2) такрорланувчанлик;
- 3) яrim- тайёрлик, тугалланмаганлик;
- 4) сюжет ҳосил қилувчанлик;
- 5) образлилик;
- 6) рамзийлик, (тагмаънога ишора қилиш);
- 7) турланиш (вариативность, Б. М. Гаспаров);
- 8) эстетик аҳамиятлилик;
- 9) семантик бутунлик;

Кейинги йилларда мотивлар таҳлилида турли назарий- концептуал ёндашувлар (диахрон, интертекстуал, прагматик) ва мотивнинг дихотомик концепцияси пайдо бўлди. Мотивнинг “инвариант” тушунчасини А. Л. Бем бир нечта асар сюжетининг қиёсий таҳлили жараёнида кашф этди. Инвариант ўзак мотив бўлиб, турли асар сюжетларини бирлаштириш хусусиятига эга. Шунингдек сюжет таркибида факат муайян асарга хос мотивлар ҳам бўлади. Бемнинг назарий қарашлари асосида кейинчалик А. И. Белецкий мотивнинг дихотомик концепцияси ҳақидаги қарашларини илгари сурди. Унга кўра мотив икки турга бўлинади, турғун (схематик) ва реал мотив. Биринчиси инвариант мотив бўлса, иккинчиси факат бир матнга дохилий мотивdir. Инвариант ўзак мотив сифатида турли миллат ва хилма-хил макону замонга хос бадиий асарларда учрайди. Демак, инвариант матнлараро характерга эга. Инвариант интертекстуал ҳодиса эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мотив қиёсий адабиётшуносликнинг марказий категорияларидан бири эканлиги аён бўлади.

Маълумки, жаҳон адабиётида айнан ўхшаш сюжетли асарлар учрайди ва улар кўпинча таъсир натижаси сифатида баҳоланади. Гап сайёр сюжетлар ҳақида борар экан, ушбу назария сюжетдаги шаклий ўхшашликларга ургу бераб, миллий адабиётдаги оригиналликни, бетакрорликни камроқ ёритиши аниқланган. Бироқ миллий адабиётлардаги типологик ўхшашликлар мотивлар нуқтаи назаридан ўрганилса, ҳатто макон ва замон жиҳатидан бир-биридан йироқ адабиётларда ҳам талай муштаракликлар топилади. Қолаверса, ушбу

муштаракликлар асосан ўзаро таъсир натижаси эмас, балки миллий адабиётларда мустақил равишда пайдо бўлган ҳодиса ҳисобланади. Бу эса асар оригиналлигига ҳам путур етказмайди, шунингдек муайян ўзак мотивни (инвариантни) интертекстуал таҳлил қилиш анализга тортилган ҳар бир асарнинг бетакрор хусусиятларини юзага чиқаради. Мисол учун келиб чиқиши сеҳрли эртакларга бориб тақаладиган “тилакларни амалга ошириш” мотиви нафақат илмий фантастик асарларга (“Сеҳрли қалпоқча” Х. Тўхтабоев) балки бир-биридан йироқ турли асарларда намоён бўлган: “Жажжи Цахес” Э. Т. А. Гофман, “Шинель” Н. В. Гоголь, “Уста ва Маргарита” М. А. Булгаков. Мотивнинг интертекстуал таҳлили бўйича Б. М. Гаспаровнинг маҳсус тадқиқот ишлари мавжуд.

Б. Н. Путилов “Мотив сюжетни вужудга келтирувчи элемент” номли мақоласида эпик мотивларни: мотив-ситуация, нутқ-мотив, мотив-харакат, тасвир-мотив, мотив-характеристикага ажратади. Англашиладики, фольклоршунос олим мотивларни классификация қилишда уларнинг асар сюжетидаги вазифасидан келиб чиқади.

Замонавий адабиётшуносликда талай илмий ишлар қилинишига қарамасдан, мотив категория сифатида аниқ тавсифга эга бўлган эмас. Аксинча, мотив ва тема тушунчалари бир-бирига яқинлашиб қолди. И. В. Силатьев монографиясида таъкидлашича, мотив темадан предикативлиги (бир сўз остида бир нечта ҳаракатлар тизими кўзда тутилади) билан ажралиб туради (5, 79–80). Н. Тамарченконинг фикрича, мотив икки шаклда воқье бўлади: ситуация ва ҳодиса. Ситуация бу персонажлар тушиб қолган аҳвол, умумий ҳолат. Ҳодиса эса ижтимоий ёки шахсий ҳаётда содир бўлган бирор ўзгаришdir. Ҳодиса ситуацияни ўзгартиради. Мотив эса ҳодиса ва ситуацияни боғловчи энг кичик нутқий унсур. Б. Томашевский, В. Шкловскийнинг талқинича, бадиий асар сюжети турли темалардан иборат. Томашевскийнинг изоҳлашича, бадиий асарнинг бошқа бўлинмайдиган энг кичик темаси мотив дейилади (8, 300). Мотивнинг тема сифатидаги талқини бошқа олимлар назарий қарашларида ҳам учрайди (А. П. Скафтымов).

Табиий равишда, тема ва мотивнинг фарқи нимада ёки улар бир категорияга мансубми каби саволлар туғилади. Маълумки, адабиётшуносликка оид асарларда шакл ва мазмун компонентларининг таснифида якфикрлик мавжуд эмас. Аксарият асарларда (В. Кожинов) фабула ва тема мазмун унсурларига киритилади. Сюжет эса, асосан шаклий, баъзи адабиётларда ҳам шакл ҳам мазмун унсури сифатида келтирилади.

Назаримизда, фабула элементи сифатида мотив мазмунга оид компонентdir. Модомики, тема ҳам ушбу гурухга кирап экан, айни шу ҳолат тема ва мотивни ўзаро яқин категорияларга айлантиради. Фикримизча, қўйидаги омиллар мотив ва теманинг фарқларини яққол кўрсатади:



Мотив ва теманинг фарқи, назаримизда, бадиий ижод жараёни таҳлилида яққол акс этади. Маълумки, тема бадиий асар яратиш учун танлаб олинадиган ҳаёт материали. Шунингдек, теманинг бадиий асарда ёритилган муаммолар мажмуи маъноси ҳам мавжуд. Теманинг ҳар иккала маъносини назарда тутиб айтиш мумкинки, ижодкор аввал темани танлайди. Сўнг, темани шакллантириш, матнда рўёбга чиқариш учун мотивлар яратади. Англашиладики, ижодкор учун тема бирламчи, мотив иккиламчи ҳодиса. Бадиий ижодда муаллиф учун тема ва мотив яратиш дедуктив жараён. Яъни ижодкор умумийликдан (тема) хусусийликка (мотив) томон ҳаракатланади. Бадиий асар таҳлилида, мотив ва тема муносабати адабиётшунос мутахасисслар, китобхонлар учун индуктив жараён. Сабаби улар асар таҳлилида темани англаш учун аввал матнда зохир бўлган конкрет нутқ бирликлари, мотивларни аниқлайдилар. Мотивлар темани англашга кўмак берувчи воситалардир. Демак, китобхон учун бадиий асарни англашда мотив бирламчи, тема иккиламчи ҳодиса.

Қўйидаги жадвал тема ва мотивнинг фарқини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатади:

| Асар номи | Муаллиф | Тема | Мотив |
|------------------------------|----------------|--|---------------|
| Буюк Гетсби (роман) | С. Фицджеральд | Америка орзусининг пуч ва беҳудалиги | Яшил ранг |
| Уруш ва тинчлик (эпопея) | Л. Толстой | Крепостнойлик, крепостнойликнинг бекор қилиниши. | Халқ манфаати |
| Ёмғирда қолган мушук (ҳикоя) | Э. Хемингуэй | Нажотсизлик | Ёмғир |

Юқорида асосан эпик асарлардан мисол келтирилди. Америкалик ёзувчи Фрэнсис Скотт Фицджеральд “Буюк Гетсби” романида Гетсбининг рўёбга чиқарган шоҳона олами, бебилиска зиёфатлари ва данғиллама кошонаси қаҳрамонга заррача ҳам баҳт келтирмайди. Замондошлари интилаётган ушбу ҳашаматли ҳаётнинг беҳудалигини кўрсатишда муаллиф матнда такрор учровчи яшил, ям-яшил сўзидан фойдаланади. *Дэзи яшайдиган қасрнинг яшил чироги/ Гейтсби зиёфатларидағи яшил карталар/ автоҳалокатга учраган яшил машина/..янги дунёнинг қўл тегмаган ям-яшил сатҳи...* (10, 156–157).

Муаллиф яшил рангнинг такрорланишидан мақсадли фойдаланади. Майкл Фербернинг “Адабий рамзлар лугатида” (9, 89–90) яшил рангининг ижобий маънолари билан бирга салбий маъноларини ҳам таҳлил қилинади: “яшил”, “сада”, “гўл”, “хавойи”, “ўткинчи”. Кўринадики, мотив шубҳасиз рамзий маънога эга.

Хулоса қилиб айтганда, тема ва мотив ўзаро яқин тушунчалар бўлсада, улар орасида сезиларли тафовут мавжуд. Фақат жузъий ҳолатларда, масалан юқорида айтиб ўтилганидек, асар таҳлилида муаллифнинг фалсафий дунёқараши назарда тутилаётганда мотив темага яқин маъно бериши мумкин.

Р. О. Якобсон, А. К. Жолковский ва Ю. К. Щеглованинг мотив бўйича тадқиқотлари синтезли ёндашув йўналишида қилинганлиги билан ажralиб туради. Уларнинг ишларида мотив фақат сюжет ёки фабула қисми сифатида эмас, балки бадиий асардаги ҳар қандай маъновий такрор мотив сифатида талқин этилади. Назаримизда бадиий матнда семантик-функционал жиҳатдан такрорланувчи, фабуланинг (Муаллифдан: Маълумки, ўтган асрда рус формалистлари бошлаб берган анъанага қўра, фабула деганда асарда тасвирланган воқеаларнинг ҳаётда юз бериш тартибини, сюжет деганда эса уларнинг асарда ҳикоя қилиниш тартибини тушуниш ҳозирда кенгроқ

оммалашган. А. Н. Веселовский ва унинг издошлари фабула ва сюжет терминларини тескари маъноларда қўллашган.) энг кичик бирлиги мотив бўлади.

Такрор сифатида бир мотив нафақат бир матн доирасида, шунингдек матнлараро, бир ёзувчининг бутун ижоди ёки муайян давр, авлод вакиллари ижодида қайта ва қайта учровчи ривоий бирлик тушунилади. Масалан, атоқли ёзувчимиз Сайд Аҳмаднинг бир нечта асарларида ноқобил фарзанд ва ота тўқнашуви эпизоди учрайди. Ёзувчининг “Уфқ” романида ота-ўғил, Икромжон ва Турсунбой, “Сароб” ҳикоясида тарих ўқитувчиси Олимжон Раҳмонов ва ўғли Кимсанбой Ёлқинов каби персонажлар мудҳиш шароитларда учрашадилар. “Қоракўз мажнун” ҳикоясида ҳам ноқобил фарзанд образи (Бўрихон) мавжуд бироқ ушбу ҳикояда ота ўрнида она – Саодат ая образи учрайди. Ҳар уччала асарда ота (она) ва ноқобил фарзанд тўқнашуви фабуланинг муштарақ нуқталари сифатида баҳоланиши мумкин.

Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг (1899–1961) қатор асарларида, “Алвидо қурол”, “Қуёш чиқади”, “Ёмғирда қолган мушук” каби асарларида табиат тасвирида ёмғир ва у билан боғлиқ ҳолат тез-тез такрорланади. Ёмғир тасвири ушбу асарларда персонажларнинг шундоқ ҳам оғир бўлган ҳаётига тушкунлик, нажотсизлик кайфиятини қўшади. Ёмғирнинг Хемингуэй ижодидаги семантик вазифаси изтироб, тушкунлик кайфиятини яратиш деб ҳисоблаш мумкин. Ёзувчининг бутун ижодида фаол қайтаришувчи такрор – ўтимли мотивлар дейилади. Чўлпон шеъриятида юлдуз, А. Чеховда ҳикояларида денгиз, Н. В. Гогол ижодида йўл, Ф. И. Тютчев лирикасида тун худди шундай мотивларга мисол бўлади ва улар ижодкорнинг муайян ғояларини амалга ошириш вазифасини бажаради. Демак, мотивлар тагмаънога ишора қилиш функциясига ҳам эга. Шу ўринда лейтмотив терминига ойдинлик киритиш ўринли. Лейтмотив немис тилидан таржима қилганда “етакчи мотив” маъносини ифодалайди. Кенг маънода муаллиф томонидан илгари сурилаётган асосий ғоянинг бутун асар давомида таъкидлаб ўтказилиши бўлиб, шу маънода ғоявий лейтмотив атамаси ҳам ишлатилади (7, 152). Жумладан, Л. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеясида халқ манфаати бутун асар давомида қайта ва қайта тилга олинадиган етакчи ғоя ҳисобланади. Набоков ижодига хос бўлган “жаннатга қайтиш” етакчи мотив бўлиб, муаллиф асарларида ностальгия, болаликни соғиниш, болаларга хос бўлган беғуборликни йўқотиш каби мотивлар воситасида акс этади.

Лейтмотив адабиётшуносликда тор маънода ҳам қўлланилади ва асардаги муҳим ғоя маъносини беради.

Маълумки, мотивлар абадий, даврий ва оддий каби турларга бўлинади. Мифларга асосланган, умумбашарий, архетип мотивлар абадий ҳисобланиб, буларга туш, рақиб, дўст мотивлари мисол бўла олади. Даврий мотивлар муайян ижтимоий-мафкуравий муҳит доирасида пайдо бўлади. Табиийки, даврий мотивларнинг умри боқий эмас. Ижтимоий муҳит ўзгариши билан аксарият даврий мотивлар йўқолиб кетиши ёки трансформацияга учраши мумкин. Масалан, Веселовский айтиб ўтган қаллиғ учун кураш мотиви кейинчалик адабиётда қаҳрамоннинг маҳбубаси учун қурбон бўлиши мотиви сифатида намоён бўлади. Бироқ муайян муддат қўлланилмаган мотивнинг қайта фаоллашиш ҳоллари ҳам учрайди. Мотивларнинг рамзий маънога эгалиги мафкуравий тазъийқ кучли бўлган даврларда ҳам ижодкорга ўз ғояларини бадиий тарзда кенг оммага етказиш имконини берган. Чунончи, Чўлпон шеъриятида “ёр” – хуррият, истиқлол сифатида ижтимоий маънога эга. Оддий мотивлар деб аталувчи гурухга муайян ёзувчи ижодига хос бўлган ёки маълум асарда қўлланилган мотивлар тушунилади. Юқорида келтирилган Сайд Аҳмад, Хемингуэй ижодидаги мотивлар ушбу гурухга мансуб. Шунингдек, алоҳида жанрларга хос мотивлар ҳам учрайди: одатда, комедиялар “ quid pro quo” (ким ниманинг устидан) мотиви, эпопеялар эса аксарият ҳолларда жаҳонгашталик мотиви асосида қурилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, эпик мотив

1. Замонавий адабиётшуносликда турли маъновий қирраларга эга;
2. Мотив темага яқин категория бўлсада, тафовутли жиҳатлари мавжуд;
3. Мотивнинг интертекстуаллиги уни қиёсий адабиётшуносликнинг марказий тушунчаларидан бирига айлантиради;
4. Мотив нафақат бадиий асарларда, балки ёзувчининг ижодида, муайян давр ёки жанрга хос асарларда такрор учровчи нутқий бирлиkdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Cambridge Advanced Learner's Dictionary. — Cambridge University Press, 2003. — 1550 р.
2. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1979. — Б.190 –191.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. — М.: Высшая школа, 1940. — 494 с.
4. Стеблева И. В. Семантика газелей Бабура. — М.: Наука, 1982. — 328 с.
5. Силантьев И. В. Поэтика мотива. — М.: Языки славянской культуры, 2004. — 296 с.
6. Куделин. А. Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дис. д-ра фил. наук. — М., 1984. — 130 с.

7. Қуров Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. — Т.: Академнашр, 2013. — 406 б.
8. Томашевский Б. В, Теория литературы. Поэтика. Учебник. — М.: Аспект Пресс, 2002.— 334 с.
9. Ferber M, A dictionary of literary symbols. — Cambridge University Press, 2007. — 272 p.
10. Фицджеральд С. Ф. Буюк Гэтсби. Т.: Давр Пресс, 2013. — 159 б.

REFERENCES

1. Cambridge Advanced Learner's Dictionary,Cambridge University Press, 2003, 1550 p.
2. Hotamov N., Sarimsoqov B. *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-uzbekcha izohli lug'ati* (The Russian-Uzbek dictionary of literary terms), Tashkent: Teacher, 1979, pp. 190-191.
3. Veselovskij A.N. *Istoricheskaja pojetika* (Historical Poetics), Moscow: Vysshaya shcola, 1989, 405 p.
4. Stebleva I. V. *Semantika gazeley Babura* (Semantics of the Gazels of Babur), M: Nauka Press, 1982, 328 p.
5. Silant'ev I. V. *Pojetika motiva* (The Poetics of the Motif), Moscow: Languages of the Slavic cultures, 2004, 296 p.
6. Kudelin. A. B. *Konceptija kanona v srednevekovoj arabskoj pojetike* (The Concept of the Canon in the Medieval Arabic Poetics), Doctor's thesis, Moscow, 1984, 130 p.
7. Quronov D. Mamajonov Z., Sheralieva M. *Adabiyotshunoslik lugati* (Dictionary of literary terms), Tashkent: Academic Press, 2013, 406 p.
8. Tomashevskij B. V. *Teorija literatury. Poetika* (The theory of literature. Poetics), M: Aspect Press, 2002, 334 p.
9. Ferber M. A dictionary of literary symbols, Cambridge University Press, 2007, 272 p.
10. Fitzgerald S. F.The Great Gatsby, Tashkent.: Davr Press, 2013,159 p.